

Ўтди умрим, вох дариг...

Кадимги кўшик

Хожимирсирож автобусда жой талашиб болалик бир хотин билан айтишиб колди. Бир мактаб бола ҳам келаётган экан, шу орага тушди-ю, ёмон бўлди. Бу коквош «шу ишингиз нотўгри» дейиш билан-ку, Хожининг корнига козик коккандек бўлган эди, яна «хўмрайманг» дегани нимаси?

Хожи бирпас захарини ютиб турди-да, бола автобусдан тушиб кетаётганида, секин кўлини узатиб, кулогини ушлади ва уч буклаб туриб каттик кисди; кисди, жонининг борича кисди! Бола, «кулокдан айрилдим» деб ўйлаган бўлса керак, кўркиб дарров ушлаб кўрди — йўк, кулок жойида. У автобусдан тушиб, ловуллаб турган кулогини ушлаганича Хожига каради ва бисотидаги энг огир, энг дахшатли хакоратни ишлатди, яъни «тарбиясиз!» деди.

Хожи хузур килиб ўч олганидан, боланинг сўккани бошка сўз тополмаганидан хурсанд бўлиб, оркасига суянди ва атрофига назар ташлади; караса, хамма, айникса шофёрнинг оркасида китоб кўриб ўтирган киши ўзини кулгидан зўрга тийиб турганга ўхшайди.

«Хароми, мени тоза расво килганга ўхшайди, — деди ўзича.— Бу хозир кулиб юборади, хозир кулмаса кейин, уйига бориб кулади; бола-чакаси билан кулади! Нега мен у итваччанинг кулогини шартта узиб кўлига бермадим?»

Хожимирсирож шошиб автобусдан тушди, боланинг кетидан кетди. Бола хамон кулогини ушлаб борар эди; бир оркасига караб Хожини кўрди-ю, жадаллаб муюлишдаги каттакон икки каватли бинога кириб кетди. Хожи уни бу ерга кочиб кирди деган ўйда эшикнинг олдида узок пойлаб ўтирди. Куёш ботди хамки, бола чикмади. Хожи аста эшикни очиб кирди. Болани пастдан тополмай, оёгининг учида юриб иккинчи каватга чикаетган эди, кимдир зинанинг устидаги чирогини ёкиб юборди. Хожи бир чўчиб тушди ва юкорига каради. Юкорида ўзига маълум Орзикул турар эди. Хожи уни каердадир коровуллик килади деб эшитган, лекин каерда эканини билмас эди.

— Е, ха, Орзикул, — деди, — бу ерда нима килиб юрибсиз? Шу ердамисиз?

— Ха, биз шу ерда, — деди Орзикул, тўнининг енгини кийиб. — Ўғлимизга шу ердан жой теккан. Сиз нима килиб юрибсиз?

Хожи гангиб колди. У, «Орзикулнинг ўгли яхши йигит чикди, хозир битта ўзи ўттиз иккита машинага қарар эмиш» деб эшитган, лекин унинг шундай жойда туришини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Шунаками, — деди Хожи бошка сўз тополмай, — бу жой ўғлингизга теккан экан-да, мен ўзингизга теккан деб эшитган эдим... Буюрсин... Шундай ўтиб кетаётган эдим, эсимга тушиб колдингиз, бир қирай дедим, Орзикул уйида бўлса, кулук бўлсин килиб чикай...

— Жуда соз бўпти-да, Хожим! Кўп яхши килибсиз. Кани кирсинлар... Йўк, йўк, кавушни ичкарига ечадилар... Заб келибсиз-да. Ўзим ҳам сизни бир айтиб келаман, бирпас гапиришиб ўтираман деб юрган эдим.

Орзикул бу гапни мехмоннинг кўнглига бўлиб айтмади, ростдан ҳам Хожимирсирожнинг бир келишига орзуманд эди. Лекин, ростини айтганда, Хожини уйига таклиф қилишдан муроди бирпас гапиришиб ўтириш эмас, унга ўз турмушини кўрсатиш эди. У, уй-жойини,

маишатини кўрсатиш би-лан мактанмокчи эмас, чунки кўлга киргизган нарсаси ўз кадр-кимматидан юкори бўлган одам мактанади. У факат хакикатни айтмокчи, «чўлок чўлоклигидан, камбагал кам-багаллигидан норизо бўлса, худонинг кахри келадиган» замонда хокисор бўлган одамларнинг ўт кечиби, сув кечиби олиб борган курашлари натижасида турмушлари кандай ўзгарганлигини кўрсатмокчи, холос. Орзикул бу хакикатни кўрсатиш билан таъна килмокчи хам эмас, чунки таъна килиш — каттик ўпкалаш деган сўз. Хожидан нима деб ўпкалайди? «Шунча йил сенинг заводингда ишлаб корним хам тўймади, очдан хам ўлмадим; сен мени от катори кўрар эдинг; тойпахталар остида қолиб ковургам синганда касалимни махалла боккан» деб ўпкалайдими? Хожи шундай килмаслиги ке-рак эмишми? Завод эгаси-я? Лекин Хожи ўша вақтда шундай килмасам бўлар экан, деб хозир айтиши мумкин ва айтади хам, чунки шу гап билан бировнинг кўнглини юмшатиб бир пиёла чойини ичади.

Орзикул Хожини коридорнинг охиридаги эшикка — ўзининг бўлмасига бошлади. Бу бўлмада балконга чиқилмаган эшикнинг туткичига илинган аллакандай бир халтадан бўлак хамма нарса Хожининг кўзига калбаки кўринди шекилли, бутун жихозларни алохида-алохида кўздан кечирди, хатто деворларни чертиб кўрди.

Орзикулнинг келини Тожихон кирди. У, мехмон билан кўришиб, нариги уйга таклиф кидди. Орзикул Хожини ошхо-нага бошлаб чиқди. Ошхонада Мурод харита кўриб ўтирар эди.

— Келдингми, ўғлим, — деди Орзикул, — мана Хожи бобонг хам келдилар.

Мурод дарров туриб Хожи билан сўрашди ва назокат билан унга жой кўрсатди.

— Келинг, Хожи бобо. Кўринмайсиз, келмайсиз...

— Баракалло, ўғлим, баракалло,— деди Хожи курсига эҳтиёт билан ўтираётди. — Умрингиз узок бўлсин. Кўпдан-кўп хурсанд бўлдим... Ўғил деган шундок бўлсин, отасини рози килсин. Кўп хурсанд бўддим. Хўп... Бу гилам... бу гилам-ни неча пулга олдингиз?

— Есимда йўк. Анча бўлди олганимизга.

— Ўтган хафта бозорга бир гилам чиқди, гиламмисан гилам эди-да. Бир минг уч юзга савдо килиб, Кодиралининг ўғлига олиб бердим. Гилам таниган одам икки мингга индамасдан олади. Шунака нарсалар керак бўлса менга айтиб кўйинг. Хўш... яшанг, ўғлим, кам бўлманг. Энди Орзикул оёгини узатиб, бахазур ёта берса хам бўлар экан. Биз бурун замонда шунча давлат билан хам бу хилда орзу-хавас кўрган эмасмиз. Энди ишламасиз-а, Орзикул?

— Нега ишламас эканман, кирктўртинчи мактабда коровуллик киламан. Мен ишламасдан туролмайман... ўрганмаганман...

— Ана шу чакки-да, Орзикул, ана шу чакки! Ношукурчилик...

— Ношукурчилик бўлса хам ўрганмаганман.

Мурод кулди:

— Кўрдингизми, ўрганмаганлар! Бу кишини ишлаш хукукидан махрум килишга хаддим сигмайди.

Тожихон овкат келтириб кўйди. Овкат вақтида Хожи хеч кимга сўз навбати бермай, бурунги замонни ёмонлаб кетди. Маълум бўлишича, бурун замонда, завод эгаси бўлишига карамай, у хам жабр кўрган экан: уезд хокими «акангизни мингбоши киламан» деб уч минг йигирма етти сўм пулини еб, сайловда дегрезлик Исомиддин деган жаллобни сайлаган экан. Тожихон «пик» этиб кулиб юборди ва Муродга каради:

— У канака сайлов? — деди.

— Мен каёқдан билай. Дада, у канака сайлов?

Орзикул анчадан кейин жавоб берди:

— Мингбоши сайлов деб эшитар эдим-ку, ҳеч кўрган эмасман... Канака сайлов бўлар эди, мана Хожим айтдилар-ку... Оббо хотинталок-ей, шунака килган денг, Хожим!..

Тожихоннинг кулиши, Орзикулнинг сўзидаги калака оханги Хожига ёкмади. У, кичкина пичокчаси билан суяк тозалар экан, сўзни бошқа, буларга хуш келадиган мавзуга буриш ниятида бирдан сўради:

— Ўғлим, — деди, — стахановчилик дейсизлар, бунинг хикмати нимада? Жуда кўп нарсаларни аклим ола бермас эди, энди секин-секин фахмляпман. Лекин шу стахановчилик ҳеч аклимга сигмайдиган иш бўлиб чиқди. Бурунги замонда битта одам, менинг билишимча, жуда нари борса уч ярим пуд пахта терар эди, ҳозир йигирма беш пудга етказиб терар эмиш. Мана, сиз, битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар эмишсиз...

Мурод мийгида кулиб, Тожихонга қаради:

— Тожихон, сиз айтинг, нима учун ҳозирги одамлар Хожи бобонинг ақлларига сигмайдиган ишларни қилишади? Айтинг, сиз ҳам стахановчи-ку.

Тожихон жавобга лаб очганида эшик тақиллади-ю, ту-риб кетди. Жавобни Муроджон ўзи берди:

— Стахановчиликнинг хикмати шундаки, хожи бобо... ўзимизда бир мақол бор-ку: «Бировнинг ишига саратонда қўл совкотади». Стахановчиликнинг хикмати ҳаммадан бурун шундаки, мен бошқарадиган ўттиз иккита машина ҳам, бу машиналар билан қилинадиган иш ҳам бировники эмас. Бу — бир...

Эшикни тақиллатган Ўлмас экан, йўлакда онасига нима тўғридадир қувона-қувона сўзлаётган товуши эшитилди. У, шу қувончини отасига ҳам айтиш учун бўлса керак, шошилиб қирган эди, не қўзи билан кўрсинки, хали автобусда «тарбиясизлик» қилган киши ўтирибди! Ўлмас ихтиёрсиз қулогини ушлаб, секин ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтатди:

— Хўш, ўрток командир, канака кино кўрдингиз?

Болани таниб, Хожининг эси чиқиб кетди. «Оббо хароми,— деди ичида, — ҳозир арз қилади. Агар арз қилса, чўнта-гимга қўл солди дейман!»

— Ўрток командир танкист бўлар эмишлар, - деди Тожихон кулиб. - Учувчи бўлишдан айнибдилар... Ўлмас, мехмон билан сўрашмайсанми?

Ўлмас сўрашгани қўл узатди. Хожи унинг қўлини олар экан, ўрнидан турди:

— Енди мен кетай, бемахалга қолмай, - деди.

У, боланинг шикоят қилишидан ва бунинг натижасида ўнгайсиз ахводда қилишидан кўркмаси ҳам бўлар эди, чун-ки Ўлмас ҳеч шикоят қилиб ўрганган бола эмас. Орзикул уни пастгача қузатиб хайрлашди. Хожи қўчанинг у юзига ўтиб, битта-битта қадам ташлаб борар экан, ўйлар эди: «Машина ҳам, бу машиналар билан қилинадиган иш ҳам ўзингники... танкист... танк ҳам ўзингники! Йиллар, йиллар ўтди! Ўтган бу йиллар дунёни остин-устун қилди!..»